

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 16 февраль, № 33 (5200) Чоршанба

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



***АНДИЖОН. Марҳамат туманидаги Шукурмерган, Қорабоғиш қишлоқлари ҳамда Қоракўрғон қишлоғининг Оқбош маҳалласида истиқомат қилувчи 710 та хонадонга тоза ичимлик суви кириб борди.***

### Қишлоқ хонадонларида зилол сув

Бунинг учун 12,6 километрлик масофага қувур ётқизилди. Ушбу хайрли ишни амалга оширишга 155,7 миллион сўм маблағ сарфланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Амударё туманилик тадбиркор Баҳодир Қутлимуродов ўзи раҳбарлик қилаётган “Элтузар” корхонаси қошида матбаа хизматини йўлга қўйди.***

### Корхона қошида матбаа хизмати

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 29 миллион сўмлик кредити сарфланди. Ҳозир 5 киши меҳнат қилаётган цехда ўтган қисқа муддатда 30 миллион 500 минг сўмликдан зиёд баннер, афиша, плакат каби маҳсулотлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Оролбўйида ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 106 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилгани, айниқса, эътиборга молик.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. Гурлан туманининг Бирлашган қишлоғида жойлашган қишлоқ врачлик пункти мукаммал таъмирдан чиқарилгач, бутунлай янгича қиёфа касб этди.***

### Ҳомийлар ҳиммати

Ушбу хайрли ишни амалга оширишда ҳомийларнинг 20 миллион сўм маблағидан самарали фойдаланилди. Шунингдек, шифо маскани “Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Таъкидлаш керакки, 2010 йилда туманда ҳомийларнинг 150 миллион сўмлик ёрдами билан 5 та қишлоқ шифо маскани таъмирдан чиқарилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СИРДАРЁ. Мирзаобод туманидаги “Сирдарёбалиқ” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ислом Ҳайитметов банкдан олган 40 миллион сўмлик кредити эвазига балиқ боқишни кенгайтирди.***

### Парҳез таом мўл бўлади

13 та иш ўрни яратилган мазкур жамият томонидан 350 гектарлик ҳавзада ўтган қисқа муддатда 98,5 тонна балиқ етиштирилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

Эътиборлиси, вилоятда 2010 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида тижорат банклари томонидан 9 миллиард 944 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

***Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ парламентга тақдим этилган ваколатларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитди.***



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

Ҳисоботни С. Рашидова тақдим этди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши соҳасида давлат ҳокимияти органлари устидан парламент назорати Қонунчилик палатаси депутатлари ишининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бу масала алоҳида аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз маърузаларида мазкур йўналишдаги доимий ишларнинг муҳимлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов янги ташаббусларининг умумий маъно-моҳиятидан келиб чиққанда, ўтган йил Омбудсман учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш бўйича ўз амалий ишларининг стратегиясини танлашда ҳал қилувчи йил бўлганлиги таъкидланган. Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» парламент Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ишига янги жўшқинлик бахш этди, мамлакатимизда демократиянинг ушбу муҳим институти самарадорлигини янада ошириш йўлларини белгилаб берди.

Ҳужжатнинг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлик гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидладиларки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, ушбу соҳадаги қонунларга риоя этилишининг мониторингини юритиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдамлашиш, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари билан биргаликда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини

(Давоми 2-бетда).

***Президентимизнинг “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарорини амалга ошириш асносида “Сурхон комбинати” масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили юқори натижалар қўлга киритилди.***

## ИМКОНИЯТЛАР ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧАДИ

**Қарор ва ижро**

Хусусан, мазкур қарор технологик, молиявий-иқтисодий жиҳатдан бир қадар ночор аҳволга тушган корхона фаолиятини жонлантиришда қўл келди. Унга “Ўзсаноатқурилишбанк” вилоят филиалидан бир миллиард сўм кредит йўналтирилди. Дебиторлик қарзларини мувофиқлаштириш чоралари кўрилиб, кенг имкониятлар ишга солинди. Маҳаллийлаштириш дастурига кирган юқори босимли темир-бетон қувурларини ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини кафолатлайдиган технологик жараёнларни такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилди.

Бу саъй-ҳаракатлар кутилган самарани берди: 2010 йилда корхона жамоаси 3 миллиард 88 миллион 540 минг сўм қийматидаги 4692 метр куб йиғма темир-бетон маҳсулотлари тайёрлади. Пировардида 2009 йилдагига нисбатан 540 фоиз ўсишга эришилди.

Айтиш жоизки, “Сурхон комбинати” Марказий Осиёда юқори босимли қувур ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона корхонадир. Унинг маҳсулотига йўл, уй-жой қурилиши, ирригация-мелиорация йўналиши ва бошқа соҳаларда талаб юқори. Шундан келиб чиқиб, жамоа ўтган йили мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқларига қарийб икки миллиард сўмлик қувур етказиб берди. Айни пайтда ютуқларни янада мустаҳкамлаб боришга замин ҳам яратилиб, хориждан сифатли қувур ишлаб чиқаришда қўлланиладиган махсус ускуналар харид қилинди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бизнинг зиммамизга ҳам масъулиятли вазифалар юклайди, — дейди жамият бош муҳандиси Ўроз Хуррамов. — Ахир материал етишмаслиги туфайли автойўл, кўприк ё ирригация иншооти қурилиши тўхтаб қолмаслиги керак. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириб бориш мақсадида шу йилнинг иккинчи чорагидан корхонамиз қошида тош, қумни ювиб, шағал саралайдиган цех очамиз. У ишга тушса, мавжуд қувватларни яна ўн фоизга ошириш имконияти юзага келади. Шу билан бирга, 50 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

(Давоми 2-бетда).

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

***Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Юртбошимиз томонидан имзоланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорда жорий йилда бу борада бажарилиши лозим бўлган устувор вазифаларнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.***

**Бунёдкорлик**

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун замонавий билим ва малакага эга, ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлашда касб-ҳунар коллежларининг ҳам ўрни беқиёс. Айниқса, иқтисодиёт ва бошқа қатор йўналишларга ихтисослаштирилган бундай ўқув даргоҳларини тамомлаб, тадбиркорлик фаолиятига қўл ураётган, кичик бизнес ривожига ҳисса қўшаётган ёш мутахассислар сафи тобора кенгайиб бораётгани барчамизни қувонтиради.



**СУРАТДА:** туман бош меъмори Низомиддин Бойназаров (чапдан), қурувчилар Холмурод Ўринов, Бахтиёр Кулибоев ва Жаҳонгир Мирзаазизов галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида бунёд этилаётган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳам ҳадемай 540 нафар иқтидорли йигит-қизни ўз бағрига олади. Ҳозир унинг уч қаватли муҳташам биносида сўнгги пардозлаш ишлари давом этмоқда. Айтиш жоизки, лойиҳа қиймати 2 миллиард 230 миллион сўмлик бўлган мазкур бинони тиклаш учун “Чинобод махсусқурилиш” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан саккиз ой мобайнида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

**Анжуман**

***Ёшларни асрий қадриятларимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш бугунги кунда энг долзарб масалалардан биридир.***

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Оммавий таҳдидлар ҳамда ахборот хуружларига қарши курашиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида “Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти” мавзуида туркум анжуманларни ўтказиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Куни кеча “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида мазкур лойиҳага бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, “Камолот” ЁИҲ фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида “оммавий маданият” ҳақида алоҳида сўз юритилиб, бу ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш орқали халқларнинг миллий анъана ва қадриятларига қаратилган тажовузкорона ҳаракатлар тобора кучайиб бораётгани, бундай хуружларга қарши курашишнинг ниҳоятда муҳимлиги алоҳида таъкидланади.

(Давоми 2-бетда).

## ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

***Ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти равнақини белгиловчи, таъбир жоиз бўлса, уларни дунё бозорига танитувчи восита сифатида тан олинмоқда. Шу жумладан, юртимизда ҳам истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мазкур соҳа иқтисодиётимиз юксалишида ўзига хос ўринга эга бўлиб бораётир.***

**Таҳлил**

Президентимиз жорий йилнинг 21 январида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Дарҳақиқат, юртимиздаги ислоҳотларнинг нечоғли тўғри ва оқилона эканлиги, айниқса, кичик бизнес вакиллари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар мисолида яққол кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 30 та тижорат банки, 115 та кредит ташкилоти, 36 та микрокредит ташкилоти ва 28 та ломбард фаолият юритмоқда. Қувонарлиси, эндиликда ушбу молия муассасалари кичик бизнеснинг яқин ҳамкорига айланаётир. Республикамизда биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу соҳа вакилларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробарга кўпайиб, 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этгани шундан далолат беради.

Навоий шаҳридаги “Ишонч гилам” ишлаб чиқариш-савдо фирмаси шундай жамоалардан бири.

— Корхонамиз 2002 йилда ташкил топган бўлиб, ўшанда 10 нафар ишчимиз томонидан ойига минг квадрат метр гилам тўқиларди, — дейди фирма раҳбари Шокир Холназаров. — Мазкур кўрсаткич 2009 йилга келиб, уч минг, ўтган йилда эса олти минг квадрат метрни ташкил этди. Бунда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан олинган 500 миллион сўм миқдоридаги кредит қўл келди. Негаки, ўтган йили ушбу маблағ эвазига хориждан замонавий ускуна харид қилиниб, эндиликда у 50 нафар ишчимиз томонидан моҳирона бошқарилмоқда. Ҳозир гиламларимизни республикамизнинг турли ҳудудларидаги савдо шохобчаларига етказиб бераяпмиз.

Бугун биз шиддатли ривожланиш даврида яшаяпмиз. Кечагина янгилик сифатида эътироф этилган бирор бир ўзгариш эртага ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Шу маънода, эндиликда тадбиркорларимизга ишлаб чиқаришда янгиликни жорий этиш ва у орқали бозор талабларини қондириш табиий заруратдир, десак, асло муболаға эмас. Урганч туманидаги “Афри” хусусий корхонасининг дизайн ва сифат борасида дунё стандартларига мос тарзда қадоқланаётган яхна ичимлик сувлари ички бозоримизга чуқур кириб бораётганининг боиси ҳам шунда. Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона цехларида ўтган йили салкам 830 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, сотувга чиқарилди.

Корхонада жорий йилдан бошлаб янги маҳсулот — пластмасса идишлар капсулаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун 105 минг 500 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Муҳими, мазкур лойиҳанинг ижроси мавжуд етмиш беш нафар ишчи сафига яна йигирма нафар маҳаллий ёшнинг қўшилишига сабаб бўлди.

Жомбой туманилик тадбиркор Фурқат Узоқовнинг иш тутуми ҳам ўзига хос. Яъни у раҳбарлик қилаётган “Зарафшон парранда” хусусий корхонасида 8 мингта товуқ парваришланиб, аҳолига бир кунда 5 минг дона тухум сотилаяпти. Самарқанд туманидаги “Оҳалик-Ломанн парранда” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидан харид қилинган наслдор жўжалар 20 нафар ишчи томонидан парваришланаётгани бунга имкон бермоқда.

Булар — бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 454 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларининг айримлари фаолиятидан бир шингил, холос.

(Давоми 2-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ўтган йили Омбудсман фаолиятининг устувор йўналишлари бўлди. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги янада кенгайди. Фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари билан биргаликда аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга доир ишлар амалга оширилди. Омбудсман ҳисобот даврида ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича қатор ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари фикрича, 2010 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номига фуқаролардан келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ўзига хос индикатор бўлиб, жамиятдаги мавжуд муаммоларни, давлат органларининг ишидаги камчиликларни аниқлашда салмоқли роль ўйнайди, шунингдек, уларни бартараф этишнинг энг самарали чораларини белгилаб олиш имконини беради.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ходимлари ҳисобот даврида қонун лойиҳалари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга қай даражада мувофиқлигини ўрганиш борасидаги ҳуқуқий экспертизада фаол қатнашганликларини таъкидладилар. Омбудсман 25 та қонун лойиҳаси, хусусан, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича таклифлар тақдим этди. Омбудсманнинг парламент билан ҳамкорлиги нафақат қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга, балки мамлакатимиз минтақаларида инсон ҳуқуқларига риоя этилишига бағишланган назорат-таҳлил фаолиятида қатнашишга, семинарлар, давра суҳбатлари, бошқа тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этишга қаратилганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Омбудсман сўнгги уч йил давомида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишда бевосита иштирок этиб келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ушбу мақсадларда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг минтақавий вакиллари Одам савдосига қарши курашиш идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий тузилмалари ишида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш борасидаги фаолиятини ўрганишда иштирок этдилар, ўрганиш натижалари бўйича тегишли тавсиялар тақдим қилинди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари Омбудсманнинг минтақавий вакиллари амнистия ҳужжатини қўллаш тартиби устидан жамоат назоратини амалга оширишда фаол иштирок этганлигини таъкидладилар. Шу мақсадда улар сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари билан биргаликда махсус тузилган ишчи гуруҳларида иштирок этдилар, жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларига мунтазам равишда бориб турдилар, маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказдилар ва озод қилинган шахсларнинг мониторингини олиб бордилар. Мазкур ишлар давомида Олий Мажлис Омбудсмани вакиллари ушбу соҳадаги жамоатчилик назорати институтини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича бир қатор фикр-мулоҳазалар ва тавсияларни баён этдилар.

Муҳокама вақтида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари вакилининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга, қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга қаратилган «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳасида ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни (тиббиёт муассасаларига жойлаштирилганларни) сақлаш принциплари ва асослари; бундай шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, моддий жавобгарлиги; қамоқда сақлаш жойлари, уларнинг фаолият тартиби, ички тартиби, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ваколатлари; рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари; қамоқда сақлаш жойларида батамом ажратиб қўйишни, қўриқлаш ва назоратни таъминлаш белгиланган. Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш вақтида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек, бошқа давлатларда қонун йўли билан тартибга солиш борасидаги тажриба ҳисобга олинган.

Атрофлича муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишларда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини топширди.

Депутатлар «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Қонун лойиҳасида Жиноят-процессуал кодексининг 21-моддасига тузатиш киритиш, кодексни янги модда билан тўлдириш ва ундаги 7-моддани чиқариб ташлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритиш назарда тутилган.

Ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонун лойиҳаларининг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан иштирок этдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат бўйича партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, ўз мулоҳазаларини баён қилдилар. Муҳокама жараёнида киритилган энг муҳим таклифлар ҳуқуқий ҳужжатларни маромига етказиш вақтида ҳисобга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати.**

# ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аслида, Президентимизнинг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги фармонлари ишбилармонларимизнинг ўз олдига қўйган мақсадлари рўёбга чиқишида дастуриламал вазифасини ўтаётир. 2010 йилга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг республикамиз ялпи ички маҳсулотида 52,5, экспортда 13,6, импортда 36,6, бандликда 74,4 фоиз улушга эга бўлгани бежиз эмас. Ваҳолонки, 2000 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 31, 5,3, 27,4 ва 49,7 фоизни ташкил этган эди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда солиқ ва божхона сиёсатида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, кейинги беш йил ичида тадбиркорлар учун қўлланадиган ягона солиқ ставкаси 6 фоизгача туширилди. Бошқача айтганда, 2005 йилда тадбиркорлик субъектларининг ягона солиқ тўлови 13 фоиз этиб белгиланган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 7, жорий йилдан бошлаб эса 6 фоизни ташкил этмоқда.

Давлат солиқ қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, ушбу тадбирлар натижасида 2011 йилда тадбиркорлар ихтиёрида 58 миллиард сўм маблағ қолдирилади. Бу — уларнинг янги истиқболли лойиҳаларини амалга оширишлари учун хизмат қилади, деганидир.

Маълумки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Президентимизнинг 2004 йил 7 июлдаги Фармонига биноан, тадбиркорларга қулай муҳит яратиш, уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Палата бу борада муайян натижаларга эришмоқда. Айни пайтга келиб, унинг аъзолари сони 20 мингдан ошгани, охирги уч йил давомида палата ташаббуси билан 100 дан ортиқ кооперация биржалари, 30 дан зиёд бизнес-форумлар ва кўплаб кўргазмалар ташкил этилгани бунга яққол мисолдир.

— Шу билан бирга, биз Халқаро савдо палатаси, Ислом савдо-саноат палатаси, Осиё ва Тинч океани Савдо-саноат палаталари сингари дунёнинг йирик ташкилотлари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг экспортга кўмаклашиш бўлими бошлиғи Дилшод Расулов. — Бу эса, ўз навбатида, юртимизга 150 га яқин чет эл делегациялари ташрифини уюштириш, шунингдек, Германия, Франция, Италия, Испания, Эрон, Хитой каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда тадбиркорларимиз иштирокини таъминлаш имконини яратди. Натижада ўтган йили 99 та корхонанинг 107,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларини экспорт қилишга эришилди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қиймати 400 миллион АҚШ долларига тенг 50 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. 1200 та лойиҳага асосан эса, озиқ-овқат, мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари учун 53 миллиард сўмлик ускуна ҳамда технологиялар олиб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, палатамизга аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари маълум имтиёзларга эга бўладилар. Айтайлик, ривожланган мамлакатларнинг йирик улгуржи ташкилотлари ҳақида тезкор маълумотлардан хабардор бўлиш ёки "GS1" уюшмаси хизматлари (штрих-кодни таъсис этиш)да чегирмани қўлга киритиш керак. Бу ва бошқа хизматлар ижросида 20 та давлатда жойлашган ваколатхоналаримиз уларга яқиндан кўмак бераётир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилаётган имконияту имтиёзлар, уларнинг самарасини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Халқимизда "Кичкина деманг бизни..." деган ибратли гап бор. Қайсидир туманнинг чекка бир қишлоғида иш юритаётган тадбиркорнинг фаолияти, бир қарашда, аҳамиятсиздек туюлиши мумкин. Аммо бирники мингга, мингники туманга татиганидек, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миллионлаб истеъмолчилар эҳтиёжини қондираяпти, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти. Бундай ишлар салмоғи эса Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янги босқичга кўтарилиши, шубҳасиз. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши лозим.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**● "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси КАРМАНА туманидаги 10 гектарлик чўл ҳудудида боғ барпо қилдилар. Бунинг учун 2,5 километр масофага қувур ётқизилиб, сув чиқарилди. Айни пайтда боғда беш минг тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари парваришланмоқда.**

● Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида СИРДАРЁ вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан "Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси", "Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари" танлови ташкил этилди. Якунда 24 нафар ғолиб номи аниқланди.

**● АСАКА туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 22 та кўшқаватли уйнинг калити ўз эгаларига топширилди. Эътиборлиси, мазкур уйларнинг барчаси табиий газ, тоза ичимлик суви каби коммуникация тармоқларига уланган.**

● ТЕРМИЗдаги "Shindong Spinning Termez" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида ўтган йилда янги имкониятларни ўзлаштириш ҳисобига 2746 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, тўлиқ экспорт қилинганди. Айни пайтда корхонага 2,1 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга ошса, маҳсулот сифати янада яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми анча ошади.

**● ПАХТАЧИ туманидаги "Жаннатмакон кўли" фермер хўжалиги жамоаси ўз маблағи ҳамда банкнинг 13,2 миллион сўмлик кредити ҳисобига балиқ етиштиришни йўлга қўйди. Оилавий асосда иш юритилаётган мазкур хўжаликда йилига 5 тоннадан ортиқ балиқ овлаш имконияти яратилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ниҳоят кенг ва ёруғ ўқув хоналари, спорт зали, замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан жиҳозланган устахона ва лабораториялар ҳамда бир қатор ёрдамчи мажмуаларга эга кўркам бино қад ростлади.

Айтиш керакки, бу сингари ўқув масканлари ёшлар келажаги, уларнинг манфаатларини кўзлаб барпо этилмоқда. Наманган вилоятида айни чоғда 107 та касб-ҳунар коллежи ва 11 академик лицей фаолият кўрсатиб, уларда 130 мингга яқин ёшлар 89 мутахассислик бўйича чуқурлаштирилган таълим ва касб асосларини ўзлаштирмоқда. Жаҳон андозалари талаблари даражасида жиҳозланиб, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш имконияти яратилган бу даргоҳлар мукаммал таълим муассасасига айланганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, уларни тугаллаб чиқаётган ёшлар истиқболда ўз меҳнати ва фидойилиги билан эл-юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, ёшларни "оммавий маданият" таъсиридан муҳофаза қилиш, уларнинг онги, маънавияти, тафаккурининг ғайриинсоний ғоялар билан заҳарланишидан асраш жамият олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланди. Ахборот-коммуникация технологиялари тезкор ривожланиб бораётган бугунги кунда компьютер, мобиль алоқа, интернет каби воситалар ҳаётимизга жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Бундай шароитда табиатан қизиқувчан ёшларнинг улардан фойдаланиш борасидаги интилишларини фойдали томонга йўналтириш тақозо этилади, албатта.

Тадбирда сўзга чиққанлар турли техника воситалари, хусусан, мобиль телефондан нотўғри фойдаланишнинг салбий оқибатлари ва уларнинг олдини олиш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мавзуга доир намойиш этилган видеолавҳалар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**Наргис АЗАМАТОВА.**

# ИМКОНИЯТЛАР ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ ОЧАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иш ўринлари ташкил этиш ҳақида гап кетганда, корхонанинг бу борада имкониятлари катта эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жамоа яқинда ўн гектар суғориладиган ерни ижарага олиб, мева-сабзавот етиштиришни режалаштирмоқда. Корхона қошида мева-сабзавотни қайта ишлайдиган цех фаолият кўрсатмоқда. Хитойдан олиб келинган шифер ишлаб чиқариш технологик линияси фаолият бошлаш арафасида. Қолаверса, корхона томонидан экскаватор ва яна битта "Фотон" юк машинаси харид қилиш кўзда тутилган. Демакки, қўшимча тармоқларнинг қувватларини ишга солиш ҳисобига 2011 йилда корхонада жами юздан зиёд иш ўринлари очилади.

— Бу ерда меҳнат қилаётганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди ускуналарни таъмирлаш цехининг ёш ишчиси Шамсиддин Шоймуродов. — Устозларим қўлимдан етаклаб, менга касб-кор ўргатишди. Улардан интизомли, тартибли, саранжом бўлиш сабоғини олдим. Катта корхонада ишлашнинг масъулияти ҳам залварли бўлар экан. Озгина эътиборсизлик, лоқайдлик иш маромига путур етказиши мумкин. Шу боис мен меҳнат жараёнида, аввало, ана шу масъулиятни ҳис этишни ўргандим.

Корхона бош иқтисодчиси Бобохон Тўраевнинг айтишича, бу йил ишчи-хизматчиларнинг маошини икки баравар ошириш, меҳнат ва дам олиш шароитларини тубдан яхшилаш кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, йил бошидан хайрли тадбирларга қўл урилаётир. Бу эса истиқболда унумдорлик ортиб, корхона фаолиятининг янада равнақ топишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Табиий сутдан 10 хил маҳсулот

Изланиш

***Бухоро шаҳридаги "Сулшержаҳон" корхонасида сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган технологик линия ишга туширилди.***

Бунинг учун 300 миллион сўм маблағ эвазига корхонага хориждан илғор технологиялар келтирилиб, 12 та қўшимча иш ўрни яратилди. Айни пайтда кунига 2,5 тоннагача сут қайта ишланиб, аҳоли дастурхонига 10 турдаги маҳсулот етказиб берилаяпти.

Эътиборлиси, корхона фаолияти кенгайиши ҳисобига бу ерда тайёрланаётган сут ва гўшт маҳсулотлари тури 60 тага етди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМИНГА САЙҚАЛ БЕРАЁТГАНЛАР

***— Ер ҳам бамисоли тирик мавжудот, — нигоҳларини туя ўркачига ўхшаш қумликлар адоғида ястаниб ётган далалардан узолмайди улуғнорлик машҳур фермер Дилором Раззоқова. — Уни ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, ўтўлан босади. Вақтида шудгорламасангиз, нафас ололмай донадорлигини йўқотади, қотиб-қуруқшаб, захкаш бўлиб қолади. Меҳрингизни бериб сийласангиз, қувватсизланишнинг олдини олсангиз, ер бағрини очади. Истаган ҳосилингизни беради.***

Чўл шамолида тобланиб, деҳқончиликда суяги қотган Дилором Раззоқова яна дейдики, айримлар ерга беписанд қарайдилар. Масалан, сизот сувларини домига тортадиган, шўрланишнинг олдини оладиган зовурлар узоқ йиллар тозаланмади, ариқлар, сув йўллари ривожлантирилмади. Натижада туманда пахта, ғалла ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди.

Вилоят ҳокимлиги соҳада юз берган ана шу вазиятни чуқур таҳлил этгач, ерларнинг мелиоратив ҳолатини соғломлаштиришга эътибор қаратди. "Улуғнордавсувмахсуспудрат" унитар корхонаси ташкил этилди. Иш унуми юқори бўлган экскаваторлар чўлга келтирилди ва улар кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали зовур қазувчилар тасарруфига берилди. "Дўстлик", "Андижон", "М. Иминов" номли мавзелар ўрамидаги зовурларга ўн йиллар давомида кетмон тегмаган эди. Йигирмадан ортиқ техника воситаларини бошқарган экскаваторчилар меҳнати билан зовурлар тозаланди. Ҳосилдорлик бир йилдаёқ кескин кўтарилди.

— Зовурларнинг тозаланиши билан далаларимизга дармон кирди, — ҳикоя қилади "М. Иминов" мавзесидаги "Қирқ қиз" фермер хўжалиги раҳбари Шаропатхон Япиева. — Илгариги йили гектаридан бир тоннага етиб-етмай пахта олган еримизда ҳосилдорлик 16 центнерданга кўпайди. Якунланган йилда бу кўрсаткич тенгма-тенг ортди.

Биргина бу эмас, "Андижонлик Шуҳратбек", "Мамажон бува", "Саидқуловлар оиласи", "Тошпўлат" фермер хўжаликларида ҳам ҳосилдорлик анча юқори бўлди.

— Бошланган ишлар изчил давом этмоқда, — дейди унитар корхона раҳбари Фазлиддин Қўшматов. — Мавсум мобайнида 571 километрлик ички ариқларни тозалашимиз керак. Бундан ташқари, қўшни Шаҳрихон туманидан ўтган 113,7 километр масофадаги зовурларни сизот сувларни "симириб" олиш учун тайёрлаб қўйишимиз талаб этилади.

## Мўл ҳосил пойдеври

Қиш изғирини этни жунжиктиради. Кўқон шамоли юз-кўзларни чимчилайди. Бархханлар адоғидаги кенгликларда эса "хартуми" ўйнаётган экскаваторлар гулдуроси қулоққа чалинади. "Норин — Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги унитар корхонанинг қудратли техника воситалари улар. Яқинда уларнинг ёнига "Ўзмелиомашлизинг" компанияси томонидан лизинг шартномаси асосида Хитойдан келтирилган 10 та энг замонавий шундай техника ҳам қўшилди. "205 с Livgong" русумли янги экскаваторлар ёрдамида кунига 400 метр масофадаги зовур тозаланмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони сув йўлларининг равонлашиб, ерларнинг унумдорлигини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Вилоятнинг Бўз, Балиқчи, Қўрғонтепа туманларида ҳам мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган дастур босқичма-босқич амалга оширилаётир. Аввалги йили биргина Избоскан, Марҳамат туманларида 150 — 200 километрдан иборат зовурлар ишга солинган эди. Ўтган йили эса 1185 километр масофадаги сув йўллари тартибга келтирилди. Натижада 4970 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Улуғнорлик фермерлар, мироблар, механизаторлар кўкламга қадар техника воситалари ёрдамида 90 куб километр, ҳашар йўли билан эса 350 куб километр ҳажмда тупроқ ишларини бажаришни режалаштиришган эди. Асосий юмушлар охирлаб қолди.

"Норин — Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги 6 та энг замонавий экскаватор ҳам улуғнорлик ирригаторларга ёрдамга етиб келди. Улар ёрдамида 82 километр масофадаги сув йўллари таъмирланди. Айни кунларда умумий узунлиги 248 километрни ташкил этган Улуғнор мавзесидаги Д-34 чегара хўжаликлараро зах қочириш тармоқларида зовурлар чуқур тозаланмоқда. Бунда Нўъмонжон Акбаров, Маҳаммадқосим Деҳқонов, Исроил Машарипов, Мўйдинжон Эрматов сингари экскаваторчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётир.

Андижонсой, Шаҳрихонсой, Улуғнор — Мазгилсой, Қорадарё — Майлисой ирригация тармоқлари бошқармаларининг 200 нафардан ортиқ тажрибали сувчилари "Оқ олтин", "Улуғнор", "М. Иминов", "Андижон", "Истиқлол", "Дўстлик" мавзеларида ерларнинг шўрини ювишда фаоллик кўрсатишмоқда. Ҳозирга қадар 7752 гектар майдонда шўр ювиш ишлари бажарилди.

Кейинги уч йил давомида улуғнорликлар пахта ва ғалла етиштиришда вилоятда ўз мавқеларини анча тиклаб олдилар. Бу, аввалaмбор, ерга бўлган муносабатнинг ўзгарганлиги, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг изчил амалга оширилаётганлиги шарофатидир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Самолёт ҳалокати



***Гондурас пойтахти Тегусигальпа шаҳри яқинида кичик ҳажмли самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида 13 киши ҳаётдан кўз юмди.***

"AFP" ахборот агентлигининг хабарига кўра, ҳаво кемаси бортида 20 киши бўлган.

Сан-Педро-Сула шаҳридан пойтахт сари парвозга чиққан транспорт воситаси билан боғлиқ кўнгилсизлик сабаблари ҳозирча маълум эмас.

### Йўловчилар ташиш кўпаядими?

***Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси 2014 йилда дунё бўйича йўловчилар ташиш ҳажми 32 фоизга ўсиши кутилаётгани ҳақида маълумот тарқатди.***

Агар бу фаразлар ўзини оқласа, манзилига етказиб қўйиладиганлар сони 3,3 млрд. кишигача етиши мумкин. Ваҳолонки, 2009 йилда мазкур кўрсаткич 2,5 млрд. кишини ташкил этганди. Халқаро ташкилот Хитойда йўловчилар ташиш миқдори шиддатли ошиб бориши ижобий натижага эришишда муҳим роль ўйнашини билдириб ўтган. Юк ташиш ҳажми эса 2009 йилдаги 26 млн. тонна ўрнига, 2014 йилга бориб 38 млн. тоннани ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

### Энг юпқа телефон

***Жанубий Кореянинг "Samsung" компанияси жаҳондаги энг юпқа "Galaxy S II" русумидаги смартфон(мобиль алоқа воситаси)ни ишлаб чиқарди. Унинг қалинлиги 8,49 миллиметрдир.***




Янги авлод "соткаси"нинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлиги эътироф этилмоқда. "Кўринишидан жуда бежирим бўлса-да, анча пишиқ эканлиги унинг асосий ютуғидир", деб ёзади "Engadget" манбаси. Хотира сиғими анча катта бўлган қурилманинг олд ва орқа томонларидаги камералардан видеоқўнғироқларни амалга ошириш ҳамда видеороликларни суратга олиш мумкин.

"Galaxy S II" февраль ойи охирларидан бошлаб Европа ва Жануби-шарқий Осиё бозорларида сотувга чиқарилади.

### Дарёдан чиқариб олинди

***Германиялик қутқарувчилар бортида 2400 тонна сульфат кислотаси бўлган ва январь ойида Рейн дарёсига чўкиб кетган "Вальдхоф" танкерини сув остидан олиб чиқишди, деб маълумот тарқатди "ZDF" телеканали.***

Шундан сўнг тўрт нафар экипаж аъзосининг икки нафари қурбон бўлгани аниқланди.

Кема сувдан тортиб олингунга қадар ўтган давр ичида 900 тонна кислота сув ҳавзасига тарқалиб кетган. Маҳаллий гидрология бошқармаси мутахассисларининг айтишича, бу атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатмаган.

### Ўзига хос кашфиётми?

***Япониянинг "Infiniti" компанияси мутасаддилари "Etherea" русумидаги янги автомобиль яратилганини маълум қилдилар.***



Уларнинг айтишича, ушбу транспорт воситаси шу йил март ойида бўлиб ўтадиган Женева автосалонининг ўзига хос кашфиётига айланади. 2014 йилга бориб, уни харид қилиш имконияти пайдо бўлади, деб хабар берди компаниянинг расмий веб-сайти.

Машина ҳақида ҳозирча фақат унинг ихчам тузилишдаги тўрт цилиндрли моторга эгалиги ҳамда эни 4,4 метр эканлиги маълум.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ҒАМХЎРЛИК ТАШАББУСГА ЧОРЛАМОҚДА

***Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанд азал-азалдан алломалар юрти, тиббиёт, фалакиёт, математика, ҳунармандчилик сингари соҳаларда ажойиб кашфиётлар бешиги бўлган. Шу боис бу қадимий шаҳарга бутун дунё олиму уламолари, савдогарлари интилишган. Бугун эса Мустақиллик шарофати туфайли жамоли янада кўркамлашган Самарқандга, унинг зиёратига ошуфта қалблар ҳар қачонгидан-да кўп.***

— Шаҳримизнинг жаҳонга машҳурлигидан, унинг абадий ўтмиши билан бугунги саодатли кунларининг ҳамоҳанглигидан қувонамиз, — дейди вилоят ҳунармандлар уюшмасининг раиси Акобир Ҳакимов. — Мустақиллик бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳунармандчиликнинг ҳам жадал ривожланиши учун катта имкониятлар берди. Президентимиз раҳнамолигида бу жабҳада амалга оширилган беқиёс ўзгаришларни санаб адоғига етолмаймиз. Биргина ўтган йили ташкил этилган вилоят "Ҳунармандлар маркази"нинг ўзи ўттизга яқин ҳунар турлари билан шуғулланувчи минг нафардан ортиқ ҳунармандни бирлаштириб турибди. Уларга шогирд тушаётган ёшларимиз сони йилига 200 нафардан ошади. Ана шу рақамнинг ўзиёқ "Устоз — шогирд мактаби"нинг бу ерда яхши ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Самарқандда ҳунармандчиликнинг кулоллик, зардўзлик, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги, тўндўзлик, сандиқсозлик каби турлари асрлардан буён асраб-авайланиб, аждодлардан авлодларга етказилиб келинаётгани ҳақида бири-биридан ноёб тарихий манбаларда ҳикоя қилинади. Маълумотларга қараганда, кўҳна шаҳарда ўтказилган археологик ва илмий-тарихий тадқиқотлар бу ҳудудда икки ярим минг йил олдин ҳам ҳунармандчилик мавжуд эканини исботлаган. Ўрта асрларга келиб, бу ерда ҳунармандчилик турлари 30-35 тага етган.

Бугунги кунда Самарқанд ҳунармандлари ёғоч ва металл, пахта ва жун иплари, лой ва ганч, тери ва газламалардан беш минг хилдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, аҳоли ҳамда хорижлик меҳмонлар эҳтиёжини қондирмоқдалар. Ҳунармандлар, халқ амалий санъати усталарига эътибор, уларнинг меҳнати, фаолияти учун яратилаётган шарт-шароитлар бу соҳанинг гуркураб ривожланишига йўл очаяпти.

Кейинги йилларда шаҳарнинг Тошкент кўчасида ҳунармандчилик маҳсулотлари сотилишига ихтисослаштирилган қатор замонавий савдо дўконлари қурилди. Кўча бошида бир гектардан кўпроқ майдонда жойлашган икки қаватли бино тўла қайта таъмирланиб, "Самарқанд ҳунармандлар маркази"га айлантирилди. Марказда эндиликда 17 та устахона фаолият олиб бораяпти.

Олис ва яқин туманларда ҳам ҳунармандчилик ривожига эътибор катта. Масалан, Оқдарё туманининг Арпа қишлоғида ёш ҳунарманд — ёғоч ўймакорлиги устаси Жамол Эсонов ўз ҳовлисида кичик бир устахонада меҳнат қиларди. Туман ҳокимлиги қарори билан Жамолга шу қишлоқ ҳудудидан 0,45 гектар ер ажратилди. Бу жойда замонавий ҳунармандчилик мактаби — устахона, ёғоч сақланадиган айвон барпо этилди. Мактаб-устахонада 20 дан зиёд қишлоқ ёшларининг ҳунар ўрганиши йўлга қўйилди. Арпалик ёғоч ўймакорлик усталари довруғи қисқа вақтда нафақат вилоятга, балки республикага кенг ёйилди.

Шунингдек, Самарқанд туманида мусиқа асбоблари ясаладиган мактаб-устахона барпо этилди. Бу ерда ижод қилаётган ака-ука ҳунармандлар Бобомурод ва Дилмурод Ҳайдаровлар ҳам эл назарига тушишди.

**Ҳунармандчилик**

Вилоятда сифатлилиги жиҳатидан бошқа қоғозлардан ажралиб турадиган Конигил қоғозларининг ишлаб чиқарилаётгани, Самарқанд миниатюра мактаби, кандакорлик, матоларни табиий бўёқлар билан ранглаш каби ҳунар турларининг қайта тиклангани бу ерда ҳунармандчиликнинг қай даражада ривожланаётганидан далолат беради. Шу ўринда ҳар бир ҳунармандилнинг бир ой мобайнида 600-700 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйганлигини айтиб ўтиш ўринли. Бу вилоятда биргина ҳунармандчилик эвазига бир йилда 5,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, деганидир.

Ўзининг бугунги ижодини "Ҳунармандчилик маркази" билан боғлаган Самарқанд кулоллиги давомчиси, моҳир ҳунарманд, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Шариф Азимов ўзбек амалий санъатининг энг қадимий турларидан бири — кулоллик билан шуғулланади. Унинг ўтган йили марказда ўн кун мобайнида давом этган "Хум ва хумчалар сеҳри" кўргазмасига томошабинларнинг қизиқиши катта бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, Самарқанд кўзалари шаклидан келиб чиққан ҳолда, замонавий декоратив кулолликка хос йўналишларни, изланишларни ўзида қамраб олади. Шариф кулолнинг бадиий усули эса бир оз бошқачароқ. Унинг кўзалари шаклининг аксарият қисми чўзинчоқ бўлиб, маҳобатлилиги, нафислиги, бежиримлиги билан ажралиб туради. Кулол бу ҳолатни вужудга келтиришда шакл билан бирга манзарали нақшлар, ранглар жилоси, Самарқанд кулоллигига хос аждарҳо тасвирларини туширишга алоҳида эътибор қаратади.

Шариф Азимовнинг кўп йиллардан буён республика ва халқаро кўргазмаларда фаол қатнашиб келаётгани эътиборлидир. Жумладан, ҳозиргача у Америка Қўшма Штатлари, Германия, Англия, Қозоғистон мамлакатларидаги кўргазмаларда юртимиз, миллатимиз анъаналари, миллий урф-одатлари акс эттирилган кўзалари билан ўзбек миллий кулоллик мактаби анъаналарини тарғиб этишга муваффақ бўлди.

Шариф аканинг ўғли Шавкат, мана 17 йилдирки, ота касбини эъзозламоқда. Унинг ижодига мансуб Карвон, Аждар, Фил ўйинчоқ мажмуалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. "Ҳунармандлар маркази"даги кўргазмада унинг ижоди ҳам ота ижоди каби юқори баҳоланди.

— 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши самарқандлик ҳунармандлар ижодий имкониятларининг янада ошишига хизмат қилади, — дейди ургутлик каштадўз, "Шуҳрат" медали соҳибаси Кубарро Тўхтаева. — Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Ана шундай тадбиркорлик ва ижодкорлик — ҳунарманд қалбида мужассамлашган фазилат. Бу фазилат туфайли у, аввало, ўзини, оиласини боқади, юрт, миллат маданияти, маънавиятини юқори кўтаришга хизмат қилади.

Аслида, Самарқандда ҳунармандчилик боқий анъанага айланган. Унинг ҳар бир тури боболардан фарзандлару набираларга ўтиб келмоқда. Ҳунармандчиликнинг янада ривожланиши, "Устоз — шогирд" анъаналарининг давом этиши учун кўҳна шаҳарда барча имкониятларнинг яратилгани эса мамлакатимизда бу соҳанинг эътибору эъзозда эканидан далолатдир, албатта.

**Абдурасул САТТОРОВ.** t

**Танлов**

## «БОБУРНОМА» ТАЛАБАЛАР ТАЛҚИНИДА

***Пойтахтимиздаги халқаро Маданият карвонсаройида "Бобурнома" ёшлар талқинида" деб номланган танлов бўлиб ўтди.***

Унда олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари, ёш ижодкорлар иштирок этди.

Танлов қатнашчилари "Бобурнома" асари асосида сурат чизиш ва ўша давр руҳидан келиб чиққан ҳолда уларни безаш шартлари бўйича ўз истеъдодларини синовдан ўтказдилар.

Якунда Камолиддин Беҳзод номидаги рассомлик ва дизайн институти талабаси Санжар Мажидов, Тошкент архитектура ва қурилиш институти талабаси Фарҳод Аҳмаджонов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси Гулчеҳра Ҳамидова, Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Ирода Зиёхонованинг ижодий ишлари юқори баҳоланиб, уларга танлов ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Гавҳар САОДАТОВА.**

## ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАСИ

***Хатирчи туманидаги 2-умумтаълим мактаби ёшлари учун яна бир қулайлик яратилди.***

**Навоий томонларда**

Гап шундаки, мактаб қошида замонавий спорт зали қурилди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 363,5 миллион сўм маблағи эвазига бунёд этилган ушбу мажмуада спортнинг футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол, кураш, гимнастика сингари ўндан ортиқ турлари бўйича машғулотлар ўтказилади.

***Қизилтепа туманидаги "Истам Аслон" фермер хўжалиги қошида 0,4 гектарлик иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

## ФЕРМЕРНИНГ ЯНГИ ИССИҚХОНАСИ

Бунинг учун тадбиркор Исроил Аслонов ўз маблағи ҳисобидан 100 миллион сўм сарфлади. Айни пайтда 8 киши меҳнат қилаётган мазкур мажмуада дастлабки 15 тоннага яқин ёз неъматлари йиғиштириб олинди.

Таъкидлаш керакки, туманда ўтган йили 139 миллиард 540,1 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

XALQ BANKI

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**

**радиоалоқа воситаларини харид қилиш бўйича танлов ўтказади.**

Танлов ҳужжатлари тўпламини ҳар қандай ваколатли қатнашувчи қуйида кўрсатилган манзилдан олиши мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки, Тошкент шаҳри, 100096, Қатортол кўчаси, 46-уй.**
**Телефонлар: (+998-71) 150-13-14, 273-93-33.**
**Факс: (+998-71) 150-13-14.**
**E-mail: t.tulyaganov@halkbank.uz**

Барча таклифлар Халқ банкининг юқорида кўрсатилган манзилига 2011 йил 18 февраль соат 16.00 гача тақдим этилиши лозим.

Мазкур муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар ва қўшимчалар қабул қилинмайди.










**«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Наманган вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

[illegible]

Бошланғич баҳоси — 135 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 2 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

[illegible]

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт собиқ ходими, физика-математика фанлари доктори, профессор

**Шукур ШАРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"ЎзЛИТИнефтгаз" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Пўлат АЗИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари жамоаси таҳририят ходими Лобар Қўчқоровага синглиси

**НИГОРАХОНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси жамоаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

**Суйин ШОДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

***Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган бекиёс ислоҳотлар ҳамюртларимизнинг жаҳон ва қитъа чемпионатларидаги муваффақиятли иштирокини таъминлашга хизмат қилаётир. Спортчиларимиз 2012 йили Лондон (Буюк Британия) шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида янада юқорироқ натижаларга эришишни мақсад қилиб қўйишган. Бунда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.***




# «ОЛИМП ЧЎҚҚИСИНИ ЗАБТ ЭТИШИМИЗГА ИШОНАМИЗ»

Ўзбекистон Оғир атлетика федерацияси бош котиби Шаҳрулла Маҳмудов билан суҳбатимиз ҳам мазкур нуфузли мусобақага тайёргарлик жараёни ҳақида кечди.

— Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тегишли республика комиссияси томонидан Ўзбекистон терма жамоаларини Лондон шаҳрида ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига босқичма-босқич тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган, — дейди Ш. Маҳмудов. — Тайёргарлик ишларининг биринчи босқичи 2009 — 2010 йилларга мўлжалланган бўлиб, шу давр мобайнида терма жамоамиз учун ёш иқтидорли спортчилар саралаб олинди. Ҳозир юзлаб ёшларимиз мазкур спорт турлари бўйича машғулотларда иштирок этишаяпти. Улар орасидан Олимпиада йўлланмалари учун кураш олиб борадиган спортчилар шакллантирилмоқда. Федерациямиз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган икки йил давомида хориждан бугунги кун талабларига жавоб берадиган 50 дона оғир атлетика штангаси ва спортчиларга махсус кийим-кечаклар келтирилди. Уларнинг 10 таси терма жамоа аъзоларига, қолганлари эса вилоятлардаги бўлимларга тарқатилди. Айни чоғда оғир атлетика инвентарлари ва махсус кийим-кечакларни харид қилишимизда бизга тегишли қарор асосида бириктирилган ҳомийлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар кўмагида Зарафшон шаҳри, Чирчиқ олимпия захиралари коллежи, Чорвоқдаги ўқув-машғулот йиғинлари уюштириладиган базаларимизнинг моддий-техник имконияти яхшиланди. 2010 йили Гуанчжоу (Хитой)да ўтказилган XVI Осиё ўйинлари ҳам Лондон Олимпиадасига тайёргарликнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Унда икки нафар ҳамюртимиз — Иван Ефремов ва Мансур Чашемов кумуш медаллари соҳиби бўлишди.

**— Лондон Олимпиадасига йўлланма бериладиган саралаш ўйинларида оғир атлетика бўйича терма жамоамиз ўз олдига қандай мақсадларни қўйган?**

— Пекин (Хитой) шаҳри мезбонлик қилган Олимпиада ўйинларида икки нафар вакилимиз қатнашганди. Бу гал эса кўпроқ спортчилар билан иштирок этишни ният қилиб қўйганмиз. Ўтган йилнинг куз ойида Туркияда Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Дунёнинг 87 мамлакатидан спортчилар қатнашган ушбу мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 111 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида фахрли тўртинчи ўриндан жой олди. Бу бизга олтита йўлланмани қўлга киритиш имконини берди. Шу ўринда кўпчиликка тушунарли бўлиши учун Олимпиада йўлланмалари берилиш тартиби ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтсак. Мавжуд тартибга кўра, жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида биринчидан йигирма тўртинчи ўрингача жойлашган терма жамоаларга йўлланмалар берилади. Яъни низомга мувофиқ, 1-6 ўринларга олтита, 7-12 ўринларга бешта, 13-18 ўринларга тўртта, 19-24 ўринларни эгаллаган терма жамоаларга эса учтадан йўлланма ажратилади. Жорий йилда Франция давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида ҳисобимиздаги олтита йўлланмани ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун камида икки юз очко жамғаришимиз лозим. Умуман олганда, Олимпиадага тайёргарликнинг иккинчи босқичи 2011 йилга, учинчи босқичи эса 2012 йилга мўлжалланган бўлиб, унда терма жамоамизга жалб этиладиган асосий спорчилар саралаб олинади. Айни пайтда Руслан Макаров, Мансур Чашемов, Иван Ефремов, Муҳаммад Бегалиев, Руслан Нуриддинов, Ғиёсиддин Аҳмедов, Баҳром Мендибоев ва бошқа тажрибали спортчиларимиз кучайтирилган машғулотларда маҳоратларини оширмоқдалар.

**— Олимпиада ўйинларида спортчи хотин-қизларимиз ҳам иштирок этишадими?**

— Ҳозиргача спортнинг оғир атлетика тури бўйича қизларимиз Олимпиада ўйинларида иштирок этишмаган. Бу гал ўзбекистонлик қизлар ҳам тўрт йилликнинг энг йирик мусобақасида қатнашишига умид қилсак бўлади. Қашқадарёлик Зилола Бўриева, Зарафшон шаҳридан Маҳлиё Тоғаева, бухоролик Юлдуз Сўфиддинова сингари халқаро мусобақаларда муваффақият қозонган қизларимиз бу ишончни оқлашларига ишонамиз. Айни пайтда махсус дастур бўйича тайёргарлик ишларини олиб бораяпмиз.

**— Оғир атлетика бўйича мамлакатимизда ўтадиган халқаро турнирлар ёшларимиз учун катта маҳорат вазифасини ўтаса керак...**

— Албатта, ўтган йили пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда 94 килограмм вазн тоифасида иштирок этган андижонлик Муҳаммад Юсупов бир йўла учта олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон оғир атлетика мактабининг қитъада ўз ўрни бор эканлигини исботлади. Андижон вилоятининг яна бир вакили Зиёвуддин Қутбиддинов (69 кг.) битта кумуш, иккита бронза, хоразмлик Мадиёр Ибрагимов (47 кг.) эса бронза медали билан тақдирланди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртимиз Марина Сисоева (44 кг.) учта бронза медаль соҳиби бўлди. Йигирма ёшгача бўлган ёшлар ва қизлар ўртасидаги баҳсларда ҳам юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, хоразмлик Шерзод Рўзметов (69 кг.) даст кўтаришда олтин, силтаб кўтаришда бронза, умумий якун бўйича кумуш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, Жаҳонгир Зиннатов (105 кг.) Бибиойша Бўриева (53 кг.), Анна Пуставарова (+75 кг.) ва Дилафрўз Қандаҳорова (+75 кг.) ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Жорий йилда халқаро федерациямиз билан келишиб, мамлакатимизда бирорта йирик турнирни ўтказишни режалаштирганмиз. Ҳозир бу борада музокаралар олиб борилмоқда. Барча ҳаракатларимиз эса Лондон Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этишга қаратилган.



**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ**
**суҳбатлашди.**

Спорт

## ОСИЁДА ЕТАКЧИЛАРДАН БИРИ

***Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) турли номинациялар бўйича XXI асрнинг энг яхши жамоаларини эълон қилишда давом этмоқда. Кеча ушбу ташкилот қитъамизнинг сўнгги ўн йилликдаги энг яхши жамоалари рейтингини омма эътиборига ҳавола қилди.***

Аҳамиятли томони, Тошкентнинг “Пахтакор” клуби ушбу рўйхатда иккинчи ўринда қайд этилган. Биринчи поғонада вакилларимиздан 17,5 балл кўп жамғарган “Ал Ҳилол” (Саудия Арабистони) жамоаси бормоқда.

Кейинги тўртта ўринни эса “Гамба Осака”, “Кашима Антлерс” (Япония), “Сеонгнам Ильва” ва “Сувон Самсунг” (Жанубий Корея) клублари эгаллаган.

Шунингдек, ушбу рейтингда мамлакатимиз жамоаларидан “Нефтчи” (29), “Бунёдкор” (46), “Насаф” (52) ҳам кучли юзталикка киритилган.

**Норбек НИЁЗОВ.**

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги “Баркамол авлод — 2011” спорт ўйинлари финал босқичи жорий йилда Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтади.***

Мамлакатимизда “Кичик Олимпиада” деб эътироф этиладиган ушбу оммавий спорт мусобақасига қорақалпоғистонлик ёшлар ҳам қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Куни кеча якунланган икки босқичли саралаш беллашувларида ўттиз минг нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Ундан муваффақиятли ўтган 105 нафар спортчи Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси таркибига киритилди.

— Ҳозир терма жамоамиз аъзолари энг замонавий спорт мажмуаларида ўн етти нафар тажрибали мураббий қўл остида кучайтирилган машғулотларда иштирок этмоқдалар, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шанияз Тлеуниязов. — Мусобақага тайёргарлик жараёнида Хоразм вилояти вакиллари билан спортнинг кўплаб турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари ҳам ташкил этилмоқда. Асосий мақсадимиз — мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиш.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

***Қўқон шаҳридаги Ўқувчи-ёшлар техник ижодий маркази ёшларнинг энг севимли масканига айланган. Ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиши учун барча қулайликка эга ушбу марказда ўндан зиёд тўгарак фаолият кўрсатмоқда.***

Яхши хабар

Айниқса, авиамодель, ёғоч ўймакорлиги, қишлоқ хўжалиги техникаси, кўприк қурилиши, автосозлик, радиотехника, ёш ихтирочи, тасвирий санъат, нефть-газ саноати техникаси, компьютер сабоқлари каби тўгараклар доимо ёшлар билан гавжум.

Минг нафарга яқин ўғил-қизларнинг иқтидори ва салоҳиятини ривожлантириш, уларни турли зарарли ғоялар таъсиридан асраш, ҳар томонлама соғлом фикрловчи инсонлар этиб вояга етказиш марказнинг асосий мақсади ҳисобланади. Марказ ходимлари ёшларга илм-фан, техника, санъат, ҳунармандчилик сир-асрорларидан сабоқ бериб, уларни билимли, чаққон ва жасур шахслар этиб тарбияламоқдалар. Ўтган йили Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақада мазкур марказ ўқувчиларидан Сардор Умаров ҳамда Шерзод Шавкатжоновнинг эркин учиш йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритгани бунинг далилидир.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 552-мактабгача таълим маскани тарбияланувчиларини табиатсевар болакайлар, деб аташади. Негаки, улар боғчадаги машғулотлар жараёнида боғдорчилик, гулчилик ва экологиядан амалий сабоқ оладилар. Болажонлар боғча ҳовлисига гуллар экиб, уларнинг турлари ва парваришлаш усулларини ўрганишади. Таълим муассасаси мутасаддиларининг фикрича, бундай тарбия ёш авлод қалбида она-юртга муҳаббат ҳиссини уйғотишда, болаларнинг экологик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этар экан.***



## ТАБИАТСЕВАР БОЛАЖОНЛАР

— Муассасамизда 330 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди боғча мудираси Гавҳархон Қосимова. — Бу ўғил-қизларнинг келажакда баркамол инсон бўлиб етишишини таъминлашга, биз, соҳа ходимлари, айниқса, масъулмиз. Шу маънода, таълим-тарбия жараёнига энг мақбул иш услубларини татбиқ этиш асосий бурчимиздир.

Дарҳақиқат, бу ерда талаб шундай. Мутахассислар экологик тарбия жараёнидан бошлаб маънавий-маърифий сабоқларини ҳам қизиқарли, жозибадор, ўзига хос, ноодатий тарзда ташкил этиш борасида изланиб, ижодий маҳоратларини оширмоқдалар. Айни пайтда ўзбек ва рус тилларида тўгараклар тузилиб, болаларга хорижий тиллардан, шунингдек, рақс, театр ва тасвирий санъат, спорт ҳамда экологиядан сабоқ берилмоқда.

...Тарбиячи Шоҳиста Самсоқова бошчилигидаги саҳналаштирилган амалий машғулот бизда катта таассурот қолдирди. Жажжи театр труппаси аъзоларининг буюк бобокалонимиз — Алишер Навоий асарлари асосида саҳна кўринишларини ижро этиб, ғазалхонлик қилишларидан роса завқ олдик. Шунинг гувоҳи бўлдикки, мутахассис болаларнинг маънавий дунёқарашини ўстиришда оқилона ва таъсирчан усуллардан фойдаланмоқда. Саҳна кўринишида бошловчи ҳам, режиссёр ҳам, ижрочи ҳам жажжиларнинг ўзи, тарбиячи уларни мақсад сари йўналтириб қўйгач, жараённи хотиржам кузатиб турибди.

Ибрат

— Учинчи минг йиллик боласи мустақил фикрлашга қодир, ижодий қобилияти юксак, билимли ва интилувчан бўлиб камолга етиши лозим, — дейди тарбиячи. — Шу боис бугунги кунда ҳар бир боланинг иқтидор ва лаёқатини юзага чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий педагогика соҳасидаги изланишлардан ҳам маълумки, болаларнинг қизиқишларини тўғри йўналтира билиш уларда журъат, ижодий маҳорат ва мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим муассасаси мутахассисларининг ана шундай ибратли иш услублари кўпчиликни қизиқтирмоқда. Зеро, бу масканга ҳамкорликда ижодий изланиш олиб бориш, тажриба ва малака ошириш истагида мурожаат қилувчилар кўп. Бундай таклифлар эса боғча мутахассисларининг ноанъанавий услубда иш олиб боришга бўлган интилишларини янада рағбатлантираётир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 552-мактабгача таълим муассасаси фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 22 ЯНВАРДАН 11 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 27 декабрдаги 108, 2010-52-сонли қарори.*

***2011 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2185 (2011 йил 6 февралдан кучга киради).***

2. «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва совғалар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 204-Б-сонли буйруғи.*

***2011 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2186 (2011 йил 7 февралдан кучга киради).***

3. «Махсус суюқликлар (бензин, бензол, сульфат кислота, ишқорлар, техник мойлар) билан ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 6 декабрдаги 199-Б-сонли буйруғи.*

***2011 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2187 (2011 йил 7 февралдан кучга киради).***

4. «Металларга кимёвий ишлов бериш ва уларга гальваник ва кимёвий қопламалар суртишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 10 ноябрдаги 188-Б-сонли буйруғи.*

***2011 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2188 (2011 йил 7 февралдан кучга киради).***

5. «Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тураржойларининг сақланиб қолишини назорат қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 декабрдаги 46, 206-ҚҚ, 29-сонли қарори.*

***2011 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2189 (2011 йил 7 февралдан кучга киради).***

6. «Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 111-сонли буйруғи.*

***2011 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190 (2011 йил 8 февралдан кучга киради).***

7. «Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 31 январдаги 21, 1-сонли қарори.*

***2011 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2191 (2011 йил 10 февралдан кучга киради).***

8. «Чарм-галантерея маҳсулотлари ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 17 январдаги 1-Б-сонли буйруғи.*

***2011 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2192 (2011 йил 10 февралдан кучга киради).***

9. «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Бензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 31 январдаги 3-сонли буйруғи.*

***2011 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2120-1 (2011 йил 14 февралдан кучга киради).***

10. «Фуқаро авиацияси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг наъмунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 19 январдаги 3-Б-сонли буйруғи.*

***2011 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2193 (2011 йил 14 февралдан кучга киради).***

11. «Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 26 январдаги 1-сонли буйруғи.*

***2011 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1549-1 (2011 йил 18 февралдан кучга киради).***

12. «Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 26 январдаги 2-сонли буйруғи.*

***2011 йил 8 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1572-2 (2011 йил 18 февралдан кучга киради).***

13. «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-71) тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 9 декабрдаги 136-сонли буйруғи.*

***2011 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194 (2011 йил 20 февралдан кучга киради).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Бозорларда савдо қилиш жойи берилганлиги ва кўрсатилган хизматлар учун бир марталик йиғим тўланганлиги тўғрисидаги қатъий ҳисоботдаги патталарни тайёрлаш, ишлатиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 971, 2000 йил 21 сентябрь).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 27 январдаги 20-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Бензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2120, 2010 йил 14 июль).*

***Адлия вазирининг 2011 йил 4 февралдаги 31-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. Нон пиширишдаги оловли ишларни бажаришда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида, Хлорни ишлаб чиқиш, сақлаш, транспортда ташиш ва ундан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида. *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжатлар деб топилди.***

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

***Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.***


ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида ҳафтанинг
**ЖУМА** куни
**«Тадбиркорлар куни»**
(«Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.

Тадбиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тадбиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг ҳар
**ЖУМА куни соат 9.00 дан 13.00 гача**
республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:**
**(8-371) 150-60-06, 150-60-05;**
**(8-800) 120-84-84**
**E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz**


## ОБ-ҲАВО
(16 февраль)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир кузатилади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража илиқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 2-4, кундузи 13-15 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 77169 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.45
1 2 3 4 5